O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 17 май, № 93 (3892) Чоршанба

ИШБИЛАРМОНЛАР ДОИРАСИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Нефть ва Газ" халқаро кўргазмаси иш бошлади

Эндиликда гўзал шаҳримиз Тошкентнинг халқаро миқёсдаги анжуман ва кўргазмаларга мезбонлик қилиши одатий ҳолга айланди. Чунки, қайси соҳага бағишланган бўлмасин, пойтахтимизда ўтказиладиган бундай нуфузли тадбирларда иштирок этиш унинг қатнашчиларига янгидан-янги ҳамкорлар топиш ва узоқ муддатга мўлжалланган манфаатли шартномалар тузиш имконини бермоқда.

"Нефть ва Газ" (OGU 2006) халқаро кўргазмаси эса мамлакатимизда бу йил ўнинчи бор ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мана шу қисқа вақт мобайнида мазкур тадбир ҳар жиҳатдан шакланди, унинг жаҳон нефть-газ тармоғидаги нуфузи ортди. Нафақат республикамиз, балки МДҲ мамлакатларида ҳам уни етакчи анжуман сифатида тан олиниши фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Кўргазмага асос солинганидан буён унда дунёнинг 35 давлатидан қарийб 700 компания иштирок этди. Мамлакатимиз ва қўшни республикалардан 50 минг нафардан кўпроқ киши ташриф буюрди. Қолаверса, ушбу тадбир ўзининг доимий иштирокчиларига ҳам эга бўлди. Россия, Украина, Қозоғистон, Хитой, Эрон, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Польша, Франция, Швеция ҳамда АҚШ давлатлари шулар жумласидандир.

Юбилей тарзида ўтаётган бу галги кўргазма нафақат иштирокчилари сонининг кўплиги, балки намойиш учун ажратилган павильонлари ҳудудининг кенглиги билан ҳам аввалгиларидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, қатнашувчиларга нефть-газ тармоғидаги сўнгги ютуқларни янада кенгроқ намойиш этиш имконини бермоқда. 18 майга қадар давом этадиган мазкур тадбир «ITE Group Plc» (Буюк Британия), «ITE» Uzbekistan, «ITE Moscow», «GIMA» (Германия) ва «ITECA» (Қозоғистон) кўргазма компаниялари томонидан ташкиллаштирилган. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда республика Савдо-саноат палатаси унинг расмий ҳомийлари ҳисобланади.

"Нефть ва Газ" халқаро кўргазмасида юртимиз ва хориждан қарийб 120 компания вакиллари иштирок этмоқда. Улар орасида Россия Федерацияси ишбилармон доиралари вакилларининг ташрифини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки иштирокчиларнинг 60 фоизи айнан мазкур давлатдан келган ишбилармонлардан иборат. Хусусан, дунё нефть ва газ саноатида юқори нуфузга эга "Лукойл" ҳамда "Газпром" каби кўплаб йирик компанияларнинг қатнашаётгани ҳам тадбирнинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, иштирокчиларнинг 10 фоизи Германия, яна шунча қисми Украина ва қолган 20 фоизи бошқа мамлакатлардандир. Ўзбекистон вакиллари сифатида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "BARS CCC", "Zolver", "Neftgazkipavtomatika", "Zeromax GmbH" ва бошқалар иштирок этмоқда.

Тадбирда нефть ва газ қазиб олиш ва унга қайта ишлов беришни жадаллаштириш билан боғлиқ замонавий технологияларни намойиш қилишга катта ўрин ажратилган. Ташриф буюрувчилар эътиборига етакчи компаниялар томонидан нефть ва газни ташиш технологиялари, геофизик хизматлар, лойиҳавий изланишлар ва лойиҳалаш, конларни излаб топиш ҳамда қазиш борасидаги сўнгги ютуқлар, қурилиш ишлари, инжиниринг ҳамда консалтинг хизмати, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги углеводород заҳираси бўйича олиб борилаётган ишланмалар ҳавола этилмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Рашид ҒАЛИЕВ олган суратлар.

«БУГУНГИ АНДИЖОН»

«Ўзбекистон» нашриётида ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган, рангли суратлар билан безатилган шу номдаги китоб босилиб чиқди. Унда юртимизнинг гўзал ва обод ҳудудларидан бири бўлмиш Андижон вилоятининг бугунги ҳаёти, бу ерда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва бунёдкорлик жараёнлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Янги нашрлар

Маълумки, мамлакатимизнинг шарқий минтақасида, ҳақли равишда «олтин водий» деб ном олган Фарғона водийсида жойлашган Андижон вилояти ўзининг бетакрор табиати, кўҳна тарихи, катта иқтисодий салоҳияти, унумдор тупроғи, бой деҳқончилик анъаналари, энг муҳими, меҳнаткаш, тадбиркор ва омилкор инсонлари билан алоҳида ажралиб туради. Бу вилоят аҳли она Ўзбекистонимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсад йўлида, барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори, муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу юрт узоқ ва суронли тарихи давомида не-не синов ва машаққатларни кўрмаган, қандай юксалиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтмаган. Бироқ ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ўзининг куч-қудрати, эртанги кунига ишонган Андижон эли тарихнинг барча синовларидан мардона ўтган, аждодларимиз руҳига содиқ қолиб, ўзлигини ҳеч қачон йўқотмаган.

Кўпчиликка яхши маълумки, Марказий Осиё минтақасида ўзининг геополитик манфаатларига эга бўлган айрим ташқи бузғунчи сиёсий марказлар ушбу ҳудудда муҳим стратегик ўрин тутадиган Ўзбекистон давлатига нисбатан кейинги йилларда ғаразли ниятлар билан қарай бошлади. Ана шу кучлар 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга, аҳоли ўртасида ваҳима ва саросима қўзғаш, мамлакатдаги вазиятни издан чиқаришга уринди, ўнлаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Лекин тинчлик ва осойишталик, озодлик ва мустақилликнинг қандай буюк неъмат эканини яхши биладиган Андижон аҳли бузғунчи кучларга эргашмади. Аксинча, юртимизда тинчлик ва барқарорликни, фарзандларимиз келажагини асраш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлидаги азму шижоат ва қатъиятини яна бир бор амалий ишлари билан намоён қилди. Айни пайтда бу фожиа Ўзбекистон заминида яшайдиган барча инсонларни доимо огоҳликка, бугунги таҳликали замонда мавжуд бўлган таҳдид ва хавф-хатарларни унутмасликка даъват этади.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг сабаб ва омиллари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу борада иккита асосий омилга алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир. Биринчиси — истиқлол берган кенг имкониятлар, давлатимиз, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доимий эътибор бериб келаётгани бўлса, иккинчиси — Андижон аҳлига хос азму шижоат, янгиликка интилиш, тадбиркорлик билан иш юритиш каби фазилатлар, ўз юртига эгалик, ён-атрофда юз бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик туйғусидир.

Бугунги кунда барчамиз учун энг улуғ ва азиз неъмат, ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик — бу тинчлик ва осойишталик, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликдир. Чунки тинчлик ва тотувлик бор жойда файзу барака, ўсиш-ўзгариш бўлади, ҳар қайси инсон ўз қалбидаги муқаддас орзу-интилишларни эркин рўёбга чиқариш, фарзанд, невара-чевара ўстириш, уларнинг бахту камолини кўриш имконига эга бўлади.

Шу маънода, Андижон элининг ўз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётгани, бу ерда юздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг доимо аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, бугунги кун ва келажакка катта ишонч билан яшаб келаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Вилоят аҳли ана шундай азму қарор билан меҳнат қилиб, кейинги йилларда ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича эришаётган ютуқ ва натижалари ушбу китобдан жой олган таҳлилий мақолалар, ранг-баранг сурат ва лавҳалар орқали батафсил ёритилади.

М.САИДОВ.

Энергетика: тежамкор технологиялар зарурати

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Энергетика ва энергияни тежаш Ўзбекистон — Power Uzbekistan 2006» 1-халқаро кўргазмаси очилди. «ITE Uzbekistan» ва «ITE Group Plc» халқаро кўргазма компаниялари унинг ташкилотчиларидир. 18 майгача давом этадиган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Россия, Украина, Франция, Туркия, Эрон, Қозоғистон, Эстония каби мамлакатларнинг 40 дан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар энергетика бўйича илк маротаба ўтказилаётган ушбу халқаро анжуман нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё миқёсида энг катта ихтисослашган тадбир эканлигини таъкидлашди.

Маълумки, республикамиз улкан ёқилғи-энергетика комплексига эга бўлган мамлакатлардан биридир. Шу боис юртимиздаги мавжуд корхоналарда энергетика тармоғи учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, юқори самарали энергетик ва электр ускуналарни яратиш билан бирга, энергияни тежаш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мазкур кўргазманинг ташкил этилиши жаҳон мамлакатлари ўртасида бу соҳадаги ўзаро тажрибаларни оммалаштириш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, ахборот алмашиш, энергетика соҳасидаги энг янги технологиялар ва уларни ривожлантириш тамойиллари билан танишиш имкониятини яратади.

Кўргазма Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, биринчи навбатда, кўп энергия сарфланадиган тармоқларда ушбу ресурсларнинг тежалишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юлдуз РИЗАЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751- сонли Фармонига мувофиқ ҳамда устувор инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркибида тегишли лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тавсияномалар берилиши учун масъул бўлган эксперт гуруҳи ташкил қилинади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади, мақоми бўйича эса Вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолияти Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминланади.

2. Қуйидагилар:

бошқарув ходимлари сони 15 нафардан иборат бўлган Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДА ИМЗОЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА — АМАЛДА

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан, иқтисодий соҳадаги алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Россиянинг йирик компанияси "Лукойл" сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорида фаол иш олиб бормоқда. Тошкентда Маҳсулотни тақсимлашга оид битимга (МТБ) биноан, Кандим газ конларини ўзлаштириш учун "Лукойл Ўзбекистан Оперейтинг Компани" операция компанияси ташкил этилди.

Янги тузилма мамлакатимиз жануби-ғарбидаги Кандим газ конларини ўзлаштириш бўйича қиймати қарийб бир миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳа ижроси билан шуғулланади. Мамлакатимиз ҳукуматининг қарорига кўра, МТБга мувофиқ, "Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд" шўъба корхонасига тақдим этилган имтиёз ва енгилликлар унга ҳам татбиқ этилади.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

оқсоқоллар сайловида бу ҳақиқат ёрқин намоён бўлмоқда

***«— Бу сафар оқсоқолликка кимни сайламоқчисизлар?**
— Буни сайловгача айтиш қийин. Ҳозирча уч кишининг номзоди қўйилган. Қайси бири халқни ишонтира олса, ўша сайланади».*

(Ғузордаги суҳбатдан).

Долзарб мавзу

Очиғини айтайлик, шу кунларда бутун мамлакат бўйлаб қизғин паллага кирган фуқаролар йиғинларидаги сайловларни шунчаки навбатдаги расмиятчилик деб ҳисоблаб юрган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Улар кимлар? Ўзини маҳалла ҳаётидан айрича оламда ҳис этган, яшаётган заминига юракдан меҳр қўймаган кимсалар. Фақат нафсини, шахсий фароғатини ўйлаган одамлар. Минг бора шукурки, ундайлар орамизда жуда кам.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси, сенатор, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Боқибоев билан Сирдарё вилоятининг бир қанча маҳаллаларига борганимизда, одамлар билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлганимизда, халқ ҳаётида бениҳоя муҳим аҳамият касб этаётган ушбу сиёсий тадбирга ҳеч ким бепарво эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Биз билан мулоқот қилганлар қаерда сайлов тартибли, аҳил-иноқлик билан ўтса, одамлар ўз дилидаги гапларни бемалол айтиши учун қулай шароит яратилса, ўша жойда аҳоли билан тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги, халқнинг ҳуқуқий тафаккури давр талабларига монанд эканлиги аён бўлишини айтишмоқда.

Биз вилоятга борган куни мавжуд 349 та фуқаролик йиғини ва маҳаллаларнинг 89 тасида сайловлар бўлиб ўтганлигини айтишди. Аксарият жойларда бу муҳим сиёсий тадбирга байрамона руҳда тайёргарлик кўрилмоқда. Гап фуқаролар йиғини ёки маҳаллага кимнинг оқсоқол бўлишида эмас, балки ўзини ўзи бошқариш идораси чин маънода халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаётганлигини ёппасига ҳис этишдадир.

Сирдарё туманидаги «Ширин» маҳалласи 19 май кунига мўлжалланган сайловни аҳоли истиқомат қилаётган масканнинг ўртасида жойлашган «Кичкинтой» боғча-мактаби биносида ўтказишни кўзда тутган. Мазкур муассаса ҳовлисида мевалар ғарқ пишган, дов-дарахтлар, атиргуллар атрофга ажиб чирой бахш этиб турибди. Иккинчи қаватдаги шинам хоналарда оқсоқолликка номзодларнинг таржимаи ҳоллари осиб қўйилган. Сайлов ҳақидаги қонунлар тўплами, барча маълумотлар мужассамлашган ҳужжатлар билан бу ерга ташриф буюрган ҳар бир фуқаро танишиб чиқиши мумкин.

— Одамларнинг тафаккури, дунёқараши, ўз юртига, маҳалласига бўлган муносабати аввалги йиллардагига нисбатан тубдан ўзгарганлигини ўз ҳаётимда кўриб келаяпман, — дейди Сирдарё тумани «Нуроний» жамғармаси раиси, меҳнат фахрийси Абдулхайр Абдушоҳидов. — Илгари вилоятимизнинг аксарият жойларида одамлар ўзларини вақтинча яшаётгандай ҳис қилишар, кузга бориб далани тарк этиб, жўнаб қолишарди. Ана шу кайфият узоқ йиллар маҳаллаларни обод қилишга, меҳр билан ишлашга тўсиқ бўлиб келганди. Мана, энди ҳамма жойда, хусусан, бизнинг туманда ҳам халқ туп қўйиб, палак ёзиш ниятида яшамоқда. Инсон ўз масканига юракдан меҳр қўйгандагина уни обод қилиш, янада яшнатиш учун интилади.

Отахоннинг бу гаплари, вилоятнинг қайси туман ёки шаҳрига бормайлик, бизнинг хаёлимиздан ўтаверди. Сирдарёда ажойиб бир анъана, аниқроғи, ташаббус барг ёзибди. Эндигина биринчи синфга қадам қўйган болакайларга ўз қўллари билан дарахт ўтказиш маросими ташкил этилмоқда. Бундай гўшанинг номини «Илк қадам боғи» дея аташибди. Қанчалик чуқур ҳикмат бор бу удумда. Шунингдек, яна саноқли кунлардан кейин ўрта мактабни битирган йигит-қизлар «Битирувчилар боғи»га асос солишмоқда. Улар яратган гўзаллик маскани кейинги синф ўқувчилари томонидан парваришланади.

Вилоятнинг ҳамма туманларида «Ҳомийлар ва шифокорлар боғи» ҳам вужудга келтирилмоқда. Бундай анъаналар кишиларда эртанги кунга ишонч, фаровон ҳаётга интилиш туйғуларини жўш урдиради.

— Аввалги муваққат кайфият қандай барҳам топганлиги ҳақида гапириб берсангиз, — сўраймиз Абдулхайр отадан.

— Биласиз, бундан қирқ-эллик йиллар муқаддам Сирдарё чўлларига Фарғона водийсидан, Самарқанд вилоятидан ва мамлакатимизнинг турли жойларидан одамлар кўчиб келиб ишлашарди. Айни пахта ҳосили пишиб етилганда улар уйларига кетиб қолишар, баҳор келгач, яна омонат жойларга қайтиб келишарди. Кейинги йилларда халқимиз тафаккурида Ватан туйғуси, ўзи обод қилаётган масканга муҳаббат яққол намоён бўла бошлади. Ахир ота-онасини шу замин бағридаги қабристонга дафн этган инсон яна қаёққа ҳам боради? Ўзи яшаётган тупроққа меҳрини берган одам чинакам бунёдкорлик хислатларини намоён этади. Ана шу анъананинг таркиб топиши халқнинг кайфиятига бардамлик бахш этмоқда. Оқсоқоллар сайлови ҳам худди шу ҳолатни тўлалигича намойиш этаётир.

Сирдарё шаҳридаги «Ҳақиқат» маҳалласи идорасидамиз. Бу ерда эрта-индин бўлажак сайловда иштирок этадиган вакиллар рўйхати кўзга кўринарли жойга илиб қўйилган. Оқсоқол Абдулла Мамадаминовдан сўраймиз:

— Яқинда бўладиган сайловга номзодингизни қўйибсиз. Бошқа талабгорлар ҳам бор экан. Ютқазиб қўйишдан қўрқмайсизми?

— Йўқ, шу халқ билан тақдиримни боғлаган эканман, кимга ишонч билдирилса, ўша киши оқсоқоллик қилади. Бундан фожиа ясамаслик керак. Очиғи, оқсоқоллик, баъзилар тушунганидек, амал, мартаба эмас, балки эл ишончи, катта масъулиятдир. Мана, шу бугун тонгда маҳалламизда гиёҳванд модда сотаётган ёшларнинг йўлини тўсдик. Бир қарашда, бундай ғурбат кимга керак? Лекин бу офатнинг олдини олиб, кимларнидир ғубордан асраганим учун руҳим енгиллашди.

Сирдарёликлар сайлов жараёнида мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотларга аҳолининг муносабатини ҳам яққол ҳис этмоқдалар. Ўз юртининг эртанги куни, истиқболи ва жадал тараққиёти ана шу сайловга келиб овоз бераётган фуқароларнинг бугунги кайфиятида акс этиб турибди. Жойларда ёш, билимдон, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, чин маънода, элим-юртим деб ёниб яшайдиган кишиларга ишонч билдирилмоқда. Бу ишонч, ҳамма жойда бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам яхши натижалар беришига шубҳа йўқ.

Ш. ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Белгиланснки, ҳар ойда Жамғарма ҳисобига:

республиканинг айрим стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўлиб, ортиқча фойдадан олинадиган солиқлар, ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тарзида республика бюджетига режадан ортиқча тушадиган маблағлар;

ҳар йили Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қимматбаҳо металларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар ўтказиб борилади.

Шу билан бир қаторда, келиб тушишига қараб Жамғарма ҳисобига:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан олинадиган инвестиция даромадлари ўтказилади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларда чет эл валютасида шакллантирилади;

Жамғарма молиялаштиришни таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ва ўзини қоплаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш шартлари ва Жамғарма маблағларини қайтариш механизми тўғрисида ваколатли банклар билан имзоланадиган бош битимлар асосида амалга оширади;

Жамғарма томонидан ваколатли банкларга бериладиган кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаси йилига 6 фоизгача табақалаштирилган миқдорларда белгиланади.

5. Жамғарма активларининг барқарорлиги ва уларнинг даромадлилигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма билан ишончли бошқарув тўғрисидаги бош битим асосида Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларига жойлаштиришни амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бир ой муддатда:

Жамғарманинг бўш қолдиқларини хорижий молия воситаларига, инвестиция операцияларига жойлаштириш тартибини, жумладан Жамғарма маблағларининг бир қисмини ишончли ташқи бошқарувчи томонидан бошқаришга топширишни белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тасдиқлаш учун киритсин;

Жамғарма манбаларидан бири сифатида — алоҳида солиқ ставкалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини шакллантириш Тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси зарур алоқа воситалари билан таъминланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биносига жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 16 май.

Тақдимот

"Укуздарё битиклари"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қорақалпоғистонлик таниқли шоир Бахтиёр Генжамуроднинг ана шу янги китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов тадбирни очар экан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти томонидан рангли-безакли тарзда нашр этилган мазкур шеърий асар хусусида тўхталиб, у икки дўст халқ — ўзбек ва қорақалпоқнинг кечаги ва бугунги куни, азалий ва абадий биродарлигини таранним этиши ҳақида тўхталди.

— Адабиёт майдони уфқ сингари бепоён, — деди у. — Бу майдонда ҳалол қалам сурган, ижодга дард билан ёндашган қаламкашгина абадиятга дахлдордир. Шу маънода, "Укуздарё битиклари" ҳар жиҳатдан ҳам бугунги кунимизга, ҳам мангуликка дахлдор асардир.

Тақдимот маросимида, шунингдек, адабиётшунослар Қозоқбой Йўлдошев, Адҳамбек Олимбеков, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Александр Файнберг, Муҳаммад Али сўзга чиқиб, мазкур китобнинг адабий-бадиий қиймати, асарни ўзбек тилига ўгирган шоир Рустам Мусурмоннинг таржимонлик маҳорати ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДА ИМЗОЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА — АМАЛДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лойиҳанинг амалий ижроси учун "Лукойл" нефть компанияси МТБ бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзининг шўъба корхонаси — "Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд"га тўлалигича тақдим этди.

Ўтган йилнинг ёзида Россиянинг "Лукойл" очиқ акционерлик жамияти, Ўзбекистон ҳукумати ва "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси (МХК) Қандим газ конлари, Хаузак ва Шади қўшимча участкалари ҳамда республика шимолий-ғарбидаги Қўнғирот участкасини ўзлаштириш бўйича МТБ имзолади. Томонлар лойиҳани амалга ошириш учун инвестиция консорциуми ташкил этди. Унда Россия компаниясининг улуши 90 фоиз, Ўзбекистон томонининг улуши эса 10 фоиздан иборат. 35 йилга мўлжалланган битим шартларига кўра, Россия компанияси бирламчи босқичда қазиб олинган маҳсулотнинг 49,8 фоизига эгалик қилади, Ўзбекистоннинг улуши эса 50,2 фоиз бўлади. Ушбу конларда табиий газни саноат йўли билан қазиб олиш 2007 йилда бошланади. Шартнома ҳудудида тасдиқланган табиий газ захиралари ҳажми тахминан 400 миллиард куб метрни, газ конденсати эса 10 миллион тоннадан ортиқни ташкил этади. 1966 йилда очилган Кандим конининг газ захираси 150 миллиард куб метрга тенг.

Конлар лойиҳа қувватига чиққач, ҳар йили қазиб олинадиган газнинг ҳажми қарийб 9 миллиард куб метрга, лойиҳа доирасида жамғарилган табиий газнинг умумий ҳажми эса 219 миллиард куб метрга етиши мумкин.

Кандим гуруҳи конларида қазиб олинадиган газни Россия ва у орқали Европага "Газпром" ОАЖнинг магистрал газ-транспорт тармоқлари орқали экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Лойиҳада йилига 6 миллиард куб метр газни қайта ишлай оладиган замонавий газ-кимё мажмуини қуриш ҳам кўзда тутилган. Унинг биринчи навбатини 2011 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Газ ва газ конденсати конларини ўзлаштириш бўйича қиймати қарийб бир миллиард АҚШ долларига тенг Ўзбекистон-Россия лойиҳасининг амалга оширилиши кўплаб мутахассислар, экспертларни жалб қилишни, жуда кўп тадқиқотлар, ҳисоб-китоблар, бошқа ишларни бажаришни талаб этади. Шу сабаблий «Лукойл» ОАЖ раҳбариятининг қарорига кўра, уч йил аввал Тошкентда компаниянинг ваколатхонаси очилган эди.

2006 йил 16 майда пойтахтимизда «Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд» офиси биноси пойдеворига дастлабки тош қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан «Лукойл» ОАЖ президенти Вагит Алекперов нефть-газ соҳасида самарали йўлга қўйилган Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришган келишувларнинг амалий натижаси эканлигини таъкидлади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбирлари.





Публицистика

«Ватанга қулчилик — шоҳона мансаб»

Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» шеърий драмасидан олинган бу ҳикматли иборани ҳар ким ҳар куни такрорлаб турса, ўсиб келаётган авлодлар онгига қуйса, қутлуғ иш бўлур эди. Зеро, она-Ватан тупроғини муқаддас билиб, аждодлар руҳини шод этиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Тарихдан маълумки, не-не алломалар, шоиру фузалолар тақдир тақозоси билан Ватандан айро тушганлар. Улар аччиқ қисматдан оҳлар чекиб, Ватаннинг бир ҳовуч тупроғини кўзларига тўтиё қилишга зор бўлганлар. Бобурдек азамат саркарда, улуғ ҳукмдор ҳам ўз умрига назар ташлаб, энг катта хатоси Ватанидан кетганлиги эканини тан олган эди:

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим, хатолиғ бўлди,
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Хатоликкина эмас, «Юз қаролиғ» деб айтаётир шоир. Ватан қадрига етмасликни «Юз қаролиғ» демоқда.

Бобур ҳеч қачон туғилиб ўсган юртидан кўнгил узолмади. Гарчи ўзи Афғонистонда, Ҳиндистонда шоҳ бўлса ҳам, унинг ихтиёрида бутун бойлик муҳайё бўлса ҳам, кўнгли Андижонда эди. Ўз юртининг ишқи билан яшади. Шу сабабдан ҳам ватанига қайтиш орзуси уни ҳеч қачон тарк этмади.

Ёки Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатни олайлик. У тўла маънода Ватан саодати учун қайғурган, бор овози билан ҳайқирган. Айниқса, шоир чет элларда узоқ вақт яшаган даврда Ватан қайғуси қалбининг чуқур қатламларидан жой эгаллайди. Фурқатдаги юрт соғинчи унинг ижодига ҳам кўчган. Хитойда ўзини бегонадай сезган Фурқат юртига қайтишга ҳамиша уринди, аммо унга йўл беришмади. У аламини қоғозга туширди.

«Адашганман» шеърини олсак, унда шоирнинг ғурбатда чекаётган аламларини яққол сезамиз:

Манам шўрида
булбул бўстонидин адашганман,
Юзи гул қоматн
сарви равонидан адашганман...
Бошимга тушди ғурбат
офтоби на илож айлай?
Фалакнинг гардишидин
соябонимдин адашганман.

Фурқат юртидан ажралиб қолганлигини шундай алам-қайғу билан ёзганки, уни ўқиган ҳар бир киши таъсирланмоғи турган гап.

Кейинги давр адабиётимиз тарихига назар ташласак, Ватанини чексиз шодлик ҳис-туйғулари билан ифода этмаган қаламкашни топиб бўлмайди. Ҳаттоки, ижодкор юртидан бир неча кун узоқда бўлганда ҳам Ватанини соғинади. Атоқли шоир Шуҳрат Дунай бўйлаб саёҳатга борганида ёзган эди:

Умримда илк марта она-Ватандан
Ёт элга, сафарга чиқиб боришим.
Илк марта жон чиқиб
боргандай тандан
Қандайдир ташвишли нафас олишим.

Мана шундай ёниқ мисраларни ўқиганимда, юрт қадрига етмаган, чет эл мамлакатларининг қулларига айланиб қолган айрим кимсаларни огоҳлантириб қўйгим келади. Орамиздан ватанфурушларнинг чиқиши, ўзга юртларни деб, ўз мамлакатига маломат тошларини отишлари, ҳатто қурол кўтаришларини кўриб, нафратланасан, киши.

«Ўзга юртга шоҳ бўлгунча,
Ўз юртингда гадо бўл»,

дейди донишманд халқимиз.

Туз ичган жойининг тузлуғига тупурган, она-юрти — олтин бешигидан маҳрум бўлган, ватан гадоси, кафан гадосига айланганларга қараб: «Элдан айрилгунча, жондан айрил» дегим келади. Тўғри, бозор иқтисодиёти даврида моддий қийинчиликлар юз беради. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида етишмовчиликларнинг бўлиши табиий ҳол. Лекин қийинчиликларни рўкач қилиб, мамлакатимизда юз берган буюк ўзгаришларни инкор этиш инсофдан эмас.

Мустақилликдан сўнг ўтган қисқа тарихий давр мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, мафкуравий соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Дин бутун бўйи-басти билан қад кўтарди. Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари тикланди, ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Маданий меросга ҳаққоний муносабат билдирилди. Бугун Ўзбекистон жаҳон миқёсида муносиб ўринни эгаллай олди. Мамлакатимизнинг обрў-эътибори ортиб бормоқда. Кўп мамлакатлар буни тан олиб, ҳурмат кўрсатмоқда. Аммо бу ютуқлар айрим калтабин, худбин, дангаса, ишёқмас кимсаларга кўринмайди. Улар буни кўришни истамайди. Зеро, ҳақиқатни тан олса, нолиш қила олмайди-да. Улуғ бобомиз Амир Темур жуда ҳикматли бир мақолни кўп ишлатар экан: «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб, шукур қил!». Аммо биз тилга олган кимсалар шукур қилишни унутган. Улар ҳар нарсадан нуқсон қидирадилар, қилдан қийиқ топишга уринадилар, замон қадрига етмайдилар.

Камина ўз кўзим билан кўрганман, ўтган асрнинг 30-йиллари бошида юз берган қаҳатчиликни эсласам, баданимдан совуқ тер чиқиб кетади. Одамлар бир бурда нонга зор бўлган, очликдан кўчада ўлиб ётганларни кўрганман. Бизнинг оиламиз ҳам жуда оғир қийинчиликда яшаган. Хонадонимизга нон кириб келса ёки иссиқ овқат қилинса, байрамга айланиб кетарди. Бир ҳодиса ҳеч эсимдан чиқмайди. Онам, акам билан бозорга тушганимизда акам онамнинг ҳоли-жонига қўймасдан сомса олиб берасиз, деб туриб олди. Онам сомсани олиб, акамга бериши биланоқ, бир йигит келиб уни тортиб олди. У қочиб кетмади, қақайиб тураверди. Бу безорини урсангиз ҳам, ўлдирсангиз ҳам бефойда. Қорнига овқат кирса, бас. Бунга ўхшаган ҳодисалар кўп бўлган. Ҳозирги ёшларга бу гапларни айтсангиз, ишонмайди. Мен баъзан айрим кишиларга ўтмиш азобларини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Ҳа, ўшаларни бошидан кечирган ёки эшитган одамлар ҳозирги турмушимизнинг қадрига етган бўлармидилар ёки шукур қиларидилар.

Қизиғи шундаки, шукур қилишни истамаган айрим кимсаларнинг кийим-бошига, уй-анжомларига разм солсангиз, бинойидек. Қозонлари қайнаб турибди. Машиналари ҳам бор.

Ё, алҳазар, дейсиз! Бу ношукурлик — нонкўрлик эмасми? Энг асосийси, келажакка умид билан қарай олиш. Биз Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлишига ишонамиз. Бунинг учун етарли асослар мавжуд. Келажак ўгити мана шунда кўринади.

Ватанга қулчилик эса — шоҳона мансаб! Барчамиз ана шу мансабга интилиб яшайлик.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.

Кўчадаги болалар

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази дарвозасидан ичкарига киришингиз билан ҳовлидаги саришталик кўзга ташланади. Бир томонда анвойи гуллар, иккинчи томонда кўк пиёзлар барқ уриб ётибди. Уларни болалар ўз қўллари билан экишган. Ичкари бундан-да саришта. Беками-кўст жиҳозланган спорт зали, ошхона, ўқув, дам олиш, ухлаш ва турли машғулот хоналари, бетобланиб қолганлар учун алоҳида хоналар болаларга кўрсатилаётган меҳр-оқибатдан дарак беради.

Огоҳлик

Марказ Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 августдаги 301-сонли қарорига асосан ташкил топган бўлиб, унда 75 нафар боланинг яшаши учун ҳар томонлама имконият бор. Бу ерга Тошкент кўчаларида қаровсиз юрган, шу туфайли ҳар хил номақбул йўлларга кириб қолган, лекин жиноятга алоқадор бўлмаган, 3—18 ёшдаги ўғил-қизлар қабул қилинади. Уларга бир ой муддатда керакли ёрдам кўрсатиш, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ҳамда тегишли органларга эсон-омон топшириш марказнинг асосий вазифасидир. Ҳозирда 44 нафар бола тарбияланмоқда. Улар турли вилоятлардан ва Ҳамдўстлик давлатларидан келишган.

Бу даргоҳ Ўзбекистон Республикаси бўйича транзит марказ ҳисобланади. Яъни Ҳамдўстлик давлатларидан келган вояга етмаганлар ҳам шу ердан ишончли қўлларга топширилади. Бу ўринда 1993 йил 24 сентябрда имзоланган тегишли шартнома амал қилади.

Ушбу даргоҳда «Сен бошқа давлатнинг боласисан» деган гап йўқ. Ҳаммага битта кўз билан қаралади. Бир кунда тўрт маҳал иссиқ овқат, тиббий назорат, китобхонлик, компьютер саводхонлигига ўргатиш, фильм томоша қилиш, спорт ва жисмоний меҳнат билан шуғулланиш кун тартибидан қатъий ўрин олган. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган. Вояга етмаганлар ҳар биринг ўз ички дунёси бор, турли оилада тарбия кўрган. Шунинг учун марказнинг 64 нафар ходими (улардан 43 таси милиция ходими, қолгани шартнома асосида ишлайди, 18 нафар тарбиячининг ҳаммаси олий педагогик маълумотга эга) индивидуал тарбияга алоҳида эътибор беришади.

— Бизда вақтинча истиқомат қиладиган болаларга, аввало, давлат ҳисобидан ғамхўрлик кўрсатилади,— дейди марказ бошлиғи, майор Эркинжон Бойхонов. — Қолаверса, болажон халқимиз борлигига минг шукур. Нима топса, илиниб кўтариб келишади. Айниқса, "Ўзнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва прокуратурасидан миннатдормиз. Лекин баъзи ота-оналар ва тегишли ташкилотларнинг тарбия масаласига панжа орасидан қараши кишини ранжитади. Фарзанди тарбияси билан шуғулланмаган ота-онага республика Маъмурий кодексининг 47-моддасида белгиланган жазолар бор. Вазирлар Маҳкамасининг вояга етмаганлар комиссияси ишини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори талабларига кўп жойларда амал қилишмаяпти. 2004 йилнинг ўзида марказимизга уч минг нафар бола келиб тушди. Шулардан икки минг саккиз юзтаси вилоятларга тўғри келади. Ахир ҳар бир вилоятда вояга етмаган болалар билан ишлаш комиссиялари бор. Комиссия раислари вилоят ҳокимларидир. Тўғри, ҳокимларнинг ишлари кўп. Бироқ шу масала бўйича мутасаддилар қаёққа қараяпти? Тарбия бир кишининг иши эмас. Агар ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қилсак, фарзандларимиз Ватан ва эл-юрт корига ярайдиган бўлиб улғаядилар.

Эркинжоннинг гапларидан сўнг ўйланиб қолдик. Мабодо, ,мазкур марказ бўлмаганида, болалар қаровсиз қолиб, жиноят кўчасига кириб кетишлари ҳам мумкинмиди?

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси давомида журналистлар билан учрашувда бутун дунёга хавф солиб турган терроризм ва билиб-билмай унинг қурбонига айланаётган, айланиши мумкин бўлган ўғил-қизларимиз тақдири ҳақида ғоятда куйиниб, ташвишланиб гапирган эди: "Қандай қилиб, ўзингнинг болаларингга қарши курашасан?".

Зеро, ҳеч бир ота-она боласини ёмон демайди. Ўлгунича фарзандининг камчиликлари, нуқсонлари ва ҳаттоки гуноҳларини ҳам кечириб яшайди.

Яхши тарбия инсонга маънавият каби она сути, ота намунаси ва аждодлар ўгити билан бирга сингади. "Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглигидан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг ҳақиқий жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас". Давлатимиз раҳбарининг ушбу таъкиди тарбия бобида ҳар бир ота-онага дастуриламал бўлмоғи шарт. Демак, фарзандларимизнинг ким бўлиб вояга етиши, энг аввало, ўзимизга боғлиқ. Бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. Лекин барча ота-оналар ҳам ушбу вазифани уддалай олаяптиларми? Фарзанди тарбиясини мактаб ёки жамият зиммасига ағдариб қўйганлар йўқми орамизда? Ёхуд ўғил-қизи тақдири билан қизиқмай, пешонадан нолиб юрганлар қанча? Тарбия "ё ҳаёт, ё мамот"лигини англамаётганлар-чи? Ахир, одам жиноятчи бўлиб туғилмайди ёки бир кунда жиноятчига айланиб қолмайди-ку? Аввал жиноятга ундовчи омиллар, турткилар пайдо бўла бошлайди. Юриш-туриш, хатти-ҳаракат, гап-сўзда ўзгаришлар юз беради. Наҳотки, шундай кезларда ота-она (маҳалла-кўй, яқин қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ва дўсту биродарларни қўйиб турайлик) ҳеч нарсани сезмаса, пайқамаса? Мана шу "сезмаслик" ва "пайқамаслик", Юртбошимиз ибораси билан айтганда, ичимиздаги хавфдир. У ташқи хавфдан кўра хатарлироқ. Чунки одам душмани нима қилишини олдиндан сезиб, унга қарши ҳимоя воситалари билан қуролланиб туради. Ички хавфнинг эса қачон ва қайси томондан келиши ва нималар қилишини билиш амримаҳол. Энг ачинарлиси шуки, ички хавф ҳамиша ташқи хавфнинг қурбони бўлиб қолаверади. Унинг йўриғига юради, топшириғини бажаради, ўз ота-онаси ва юртига хиёнат қилади. Фарзанди тарбияси билан шуғулланмаган ота-она уни кўчага бериб қўяди. Кўча кўча-да... Шунинг учун ҳам тарбия оиладан бошланишини унутмайлик.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ярославль қўғирчоқ театри юртимизда

Пойтахтимиздаги республика қўғирчоқ театрида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Россия Федерацияси Ярославль вилояти маъмуриятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан Ярославль қўғирчоқ театрининг уч кунлик гастроли бошланди.

Ушбу ижодий сафар Ўзбекистонда Ярославль вилояти маданияти кунлари доирасида ўтказилмоқда. Театр жамоаси болажонлар учун ўнга яқин рус халқ эртаклари асосида тайёрланган спектаклларини намойиш этишади.

— Мамлакатларимиз ўртасида маданий соҳадаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги болаларда икки халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ҳақида кенгроқ тасаввур уйғотишда катта ёрдам бермоқда, — дейди Ярославль вилояти маъмуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси бошлиғи А. Акажанов.

Ўз мухбиримиз.

Қоғозларда қолди сатрлар

У кишини ғойибона танирдим. Ҳеч қаерда кўрмаганман, учрашмаганман. Фақат телефон орқали суҳбатлашиб, фикр алмашиб турардик. Шунга ҳам, чамалаб кўрсам, ҳозир ўн йилдан мўлроқ вақт ўтибди.

Ногирон бўлса-да, турли оммавий ахборот воситалари орқали бу ҳаётда борлигидан, яшаётганидан, фарзандлари, яқинлари қуршовида эканидан мамнун бўлиб битиклар битарди. Дилидаги дардли тўғунлар ечимини ахтарса ҳам қоғоз қораларди.

Энг муҳими, унинг имзоси қўйилган лавҳа; лўқма, фикр-мулоҳаза, муносабат тарзидаги чиқишлар деярли кунора қатор газеталар саҳифаларида кўринарди. Турли журналларда мақолалари тез-тез кўзга чалинарди. Радио орқали эшиттиришларда овози янграрди. Бу чиқишлар муаллифга қанчалар роҳат бағишлагани, уни қанчалар рағбатлантиргани, унга далда, мадад бўлгани ёлғиз Яратганга аён...

Сизни ёдлаб...

Биз бу кун хотирлаётган инсон журналист-матбаачи, 1-гуруҳ ногирони, тошкентлик Жаҳонгир Абубакиров эди.

«Мен ногиронман. Йигирма бир ёшимда ҳарбий хизматни ўтаётган давримда автоҳалокат юз бериб, бир оёқда уйга қайтдим, — деб ёзган эди у хотираларида. — Мени ўқиш, иш қизиқтирарди. Тоғамнинг ёрдамида босмахонага ишга кириб, ўттиз тўрт йил ишладим. Касбимни жуда севардим. Бироқ умрим кузагида соғ оёғим синиб, тўшакка михланиб қолдим... Шундай бўлса-да, бахтсизликдан йироқман. Чунки дўстларим билан уйим ҳамиша обод. Меҳри дарё, мурувватли инсонларнинг самимий муҳаббатидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Рафиқам Матлуба бирор-бир танишимними, маҳалладошимними соғлиқ тилаб салом йўллаганини етказса, руҳим шу даражага кўтариладики, бу ҳол мени яшашга ундайди.

Ўзимга ўхшаш ўнлаб ногиронлар билан радио ва матбуот орқали танишиб, қадрдонлашиб, ҳатто ака-сингил, ота-бола бўлиб кетдик. Бир майизни қирққа бўлиб баҳам кўра оладиган меҳри дарё, мурувватли, саховатпеша халқимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Дунё узра тинчлик бўлсин-у, миллатлараро дўстлик ришталари узилмасин, дегим келади».

Бундай самимий, дил сўзлари битилган, аммо тугалланмаган сатрлар тўла қоғозлар Жаҳонгир ака хазинасида ҳали талай эди. У киши вафотларидан олдин ҳам уйимга қўнғироқ қилиб, бир неча мавзулар хаёлларини банд этганини, фақат соғлиқ панд бераётганини айтиб, бироз ранжидилар-у, лекин яна ўзлари «Ҳали қиладиган ишларим кўп, ёзмоқчи бўлганларим эса миямда ғужғон ўйнайди, сира тинчлик бермайди» дея кулгига олгандилар. Дардларини шу тарика енгмоқчи бўлганларини кейин англадим...

Бу кун эса соддадил, самимий инсон, ҳаётни ниҳоятда севувчи Жаҳонгир Абубакиров руҳларини шод айлагим келди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мотокросс бўйича чемпионат якунланди

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг республика Техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан 12-14 май кунлари Олмалиқ шаҳрида мотокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 11-14, 14-16, 18 ва 58 ёшдан юқори бўлган спорт усталари иштирок этишди.

Чемпионатда республикамизнинг 10 та вилоятидан ташриф буюрган 14 жамоа иштирок этди. Жамоалар ўртасида биринчи ва иккинчи ўринга Навоий ҳамда Тошкент вилоятлари муносиб деб топилди. Учинчи ўрин эса Тошкент шаҳрига насиб қилди.

Шахсий биринчиликда мотоцикль двигателининг қуввати бўйича Д. Лымар, Э. Хлюси, А. Заднов, И. Қобилов, В. Попов ва В. Лавровлар биринчи ўринни эгаллашди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳайрат чизгилари

«Ёмғирдан сўнгги камалакни томоша қилиб, сира-сира тўймайман. Табиатнинг мўъжизаларидан ҳайратланаман. Ундаги рангларни ўз суратларимда кўрсам, дейман ва шунга ҳаракат қиламан. Камалакнинг етти хил ранги ичида, айниқса, пуштиси менга ёқади. Шу рангдаги гуллар ҳам жону дилим, киядиган либосларимни ҳам кўпинча шу рангдагисини танлайман. Пушти рангни гўзаллик, яхшилик ва орзуларнинг бошланишига ўхшатаман».

Бу — Сирдарё вилояти хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Севара Қосимованинг ҳайрати. Аслида ҳайратдан ҳайрат туғилади, деганлари бор гап. Бугун Севара ҳайратланиб яратган суратларга нафақат тенгдошларию устозлари, ҳатто айрим мутахассислар ҳам ҳайрат билан боқишмоқда. Ўтган йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ўтказган кўргазмада иштирок этиб, 3-ўринни эгаллади. Севаранинг онаси Феруза опанинг айтишича, тунлари алламаҳалгача Севаранинг хонасидаги чироқ ўчмайди. Эрталаб эса, албатта, столи устида янги бир асар пайдо бўлади.

Ёш мусаввира яқинда республика санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади.

СУРАТДА: Севара Қосимова иш пайтида.

Ўз мухбиримиз.

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2006 йил 10 майдан бошлаб жисмоний шахсларнинг АҚШ долларидаги муддатли депозитлари бўйича қуйидаги фоиз ставкалари белгиланганини маълум қилади:

"Сармоя - 1"	(сақлаш муддати — 45 кун)	— йилига 6%
"Сармоя - 2"	(сақлаш муддати — 60 кун)	— йилига 5,5%
"Фойдали"	(сақлаш муддати — 6 ой)	— йилига 4,5%

Ўз омонатларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз Президенти мамнуният билан қайд этдики, 2005 йилда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича мўлжалланган режаларнинг тўлиқ, айрим кўрсаткичлар бўйича эса, анча ортиғи билан бажарилишига эришилди. Айниқса, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари қувонарли ва умидбахш бўлди.

«Пахтабанк»:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА - ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА

Президент ялпи ички маҳсулот барқарор ортиб бораётгани, кейинги икки йил давомида бу кўрсаткич 7 фоиздан ошгани, айниқса, диққатга сазовор эканлигини қайд этаркан, буларнинг ҳаммасига биринчи галда бозор ислоҳотлари тамойилларининг пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастури босқичма-босқич амалга ошириб борилаётганлиги самараси эканлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида изчил ва жадал давом эттирилаётган ташкилий-иқтисодий ислоҳотлар ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор кўпайиб боришига самарали таъсир кўрсатмоқда.

2005 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,2 фоиз ўсди. Айтиш мумкинки, бунда икки етакчи тармоқ — пахтачилик ва ғаллачиликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи маҳсулотни кескин кўпайтиришга эришиш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Чунончи, ўтган йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик тармоғини етарли миқдордаги замонавий техника воситалари ва уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Бунда республика акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» асосий ижрочи вазифасини бажармоқда. Зеро, республикадаги мавжуд ширкат ва фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, барча инфратузилмалар асосан шу банкнинг мижозларидир.

«Пахтабанк»нинг изчил саъй-ҳаракатлари билан фақат 2005 йилнинг ўзида 1994 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга республикамизда ва хорижда ишлаб чиқарилган 2462 та қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар харид қилиб келтирилди. Бунинг учун «Пахтабанк» томонидан 32,5 миллиард сўм кредит маблағлари етказиб берилди. Ана шу кредитлар ҳисобига, жумладан, Россияда ишлаб чиқарилган 245 та «ВТ-150», 127 та «Т-4А», «МТЗ-80» русумли тракторлар ва бир қанча дон ўриш комбайнлари олинди. Бундан ташқари, ўзимизда ишлаб чиқарилган 574 та «ТТЗ» ва 685 та бошқа русумдаги тракторлар, 498 та культиватор, 172 та тиркама, 36 та плуг, 121 та «ОВХ» пуркагичи ҳамда уларга керакли эҳтиёт қисмлар харид қилинди.

Қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминлаш мақсадларига қаратилган амалий чора-тадбирлар 2006 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Масалан, йилнинг биринчи чорагида 456 та қишлоқ хўжалик субъектига банк томонидан ажратилган 9,3 миллиард сўмлик кредит маблағларига 11 та «ВТ-150», 40 та «Т-4А» русумли импорт тракторлари ҳамда 99 та маҳаллий «ТТЗ» ва 221 та бошқа русумдаги техника, 39 та культиватор ва кўплаб эҳтиёт қисмлар сотиб олинди.

Пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликлар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг техника воситаларига бўлган эҳтиёжини имкон қадар тўлароқ қондириш мақсадида халқаро банклар кўмагидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан Элликқалъа, Марҳамат, Нишон, Шеробод туманларидаги 218 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 3,6 миллион АҚШ долларилик 269 та «ВТ-150», «Т-4А», «МТЗ-80» русумли хориж тактори, шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган «ТТЗ-80/11», «ТТЗ-80/10» тракторлари, кўплаб тиркама, культиватор, плуг ва эҳтиёт қисмлар харид қилинди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз пахта далаларида ғўзага ишлов бериш, озиқлантириш ишлари қизғин. Ҳадемай, ғўза зараркунандаларига қарши кураш ҳам бошланади. Демак, кейинги икки йил давомида харид қилинган техника воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, банк кредитлари ҳисобига қишлоқ хўжалик техникалари харид қилишни давом эттириш бу йил ҳам давлат эҳтиёжларини қоплайдиган даражада мўл ва сифатли пахта хомашёси етиштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ҳадемай, республика ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари ҳам бошланади. Катта меҳнатлар эвазига етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда, нес-нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш учун тайёргарлик кўриш ҳал қилувчи паллага кирди. Мавсумни муваффақиятли якунлаш учун мавжуд дон комбайнларини ўрим-йиғимга пухта созлаш, қаерда ўрим техникаси етарли бўлмаса, қолган вақт ичида уларни бутлаш чораларини кўриш талаб этилади. Шуни назарда тутган ҳолда, қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина-трактор парклари Германиянинг «Claas KgG meH» компанияси билан тўғридан-тўғри 7044.747 евро миқдоридаги шартномаларни имзолади. Ушбу шартномалар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигидан рўйхатдан ўтказилиб, аккредитив ҳисоб рақамлари очилган.

Шартномага мувофиқ, 2006 йилда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси, Осиё Тараққиёт банкининг «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» лойиҳаси бўйича Германиянинг «Claas KgG meH» компанияси ишлаб чиқарган 100 та «Dominator-130» русумли дон комбайни харид қилиб келтирилади. Шундан 25 тасини Нишон тумани, 14 тасини Шеробод, 10 тасини Элликқалъа, 3 тасини Марҳамат, 21 тасини Қуйи Чирчиқ, 15 тасини Зомин, 12 тасини Каттақўрғон туманлари қишлоқ хўжалик корхоналари ва муқобил машина-трактор парклари бериш мўлжалланган.

Комбайнларни Германиядан жўнатишга 22 апрелда киришилган эди. Бугунги кунгача 14 таси етиб келди. Режага мувофиқ, уларнинг 10 таси Зомин ва 4 таси Каттақўрғон туманидаги мижозларга етказиб берилди. Қолган 88 тасини 23 майга қадар етказиб бериш кўзда тутилган.

Банк тизими

«Пахтабанк» қишлоқ хўжалиги моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлашнинг турли қулай усулларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, у республика тижорат банклари орасида биринчилардан бўлиб, 1996 йилдаёқ ўз тизимида лизинг хизмати кўрсатиш бўлимини ташкил этиб, лизинг бозоридаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганишга киришган эди. Ўтган йиллар давомида банк амалий тажриба орттира бориб, бугунги кунга қадар жами 550 лизинг олувчига 810 та лизинг объекти бўйича 7,1 миллиард сўмликдан зиёдроқ хизмат кўрсатди.

Банк, айниқса, 2005 йилда лизинг усулини қўллашни кескин кучайтирди. 393 та лизинг олувчига 569 та объект бўйича 4,7 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Уларнинг асосий қисми, яъни 272 таси ширкат ва фермер хўжаликлари бўлиб, 18 та дон комбайни, 201 та «ТТЗ-80» ва «ТТЗ-100», 17 та «ВТ-150» русумли тракторлар, 104 та «ОВХ» пуркагичи, 30 та транспорт воситаси, 10 та культиватор, 5 та «Т-4А «Олтой» трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлар олиб берилди.

Лизинг усулининг фойдали жиҳатларидан бири шундаки, Президентимизнинг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, лизинг олувчиларга бир қатор қулайлик ва имтиёзлар берилган. Чунончи, лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Лизингга бериш учун Ўзбекистонга хориждан олиб келинадиган технологик ускуналар учун вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлса, божхона ҳамда қўшилган қиймат солиғи тўланмайди.

Бундан ташқари, лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод қилинади. Лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловлар унинг жами даромадларидан чегириб ташланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лизинг усулининг қулайликлари, айниқса, бериладиган турли имтиёзлар маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлашда жуда қўл келади. «Пахтабанк» раҳбарияти шуни ҳисобга олиб, кейинги вақтда асосий эътиборни «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси корхоналари, жумладан, Тошкент трактор заводи, агрегат заводи, «Тошқишлоқмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида беришни кўпайтиришга қаратмоқда. Банк мол етказиб берувчи билан олди-сотди шартномасини у лизинг олувчи билан лизинг шартномасини имзолагандан кейингина тузади. Лизинг жараёнидаги барча ишларни банк икки томонлама тузиладиган шартнома асосида амалга оширади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари лизингга техника воситаларини олаётган пайтда уларнинг ҳисоб рақамларида бўш пул маблағлари бўлмаслиги мумкинлигини эътиборга олиб, банк аванс тўловларини талаб қилмайди. Лизинг тўловлари эса, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги махсус жамғарма томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг 23210-ҳисоб рақамларига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сўндирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори «Ўзагромашсервис» корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотиш учун хориждан келтирилаётган техника воситалари 2006 йилгача қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганлиги ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларни замонавий техникалар билан таъминлашга самарали хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Пахтабанк» лизинг амалиётининг умумий кредит амалиётига нисбатан яна бир қулай ва фойдали жиҳатига алоҳида эътибор қаратмоқда. Лизинг амалиёти янги ташкил топаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўзларининг бошланғич сармояларини шакллантиришларида, айниқса, қўл келади. Чунки уларда кредит таъминотини тўла қоплаш учун қўйиладиган ликвидли мол-мулк етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги техника, зарур дастгоҳ сотиб олиш ва шу каби бошқа мақсадлар учун лизинг хизмати кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Республика қишлоқ хўжалигини замонавий техника воситалари билан тобора мукаммал таъминлаб боришда етакчи роль ўйнаётган «Пахтабанк» маҳсулот етиштирувчиларни ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига ўз маблағларини йўналтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи таъминот-тарқатиш ва тайёрлов ташкилотларига банк ўз маблағлари ҳисобидан жами 43 миллиард 103 миллион сўмликдан зиёд кредит маблағлари ажратди ва факторинг хизмати кўрсатди. Бунда асосан «Ўзагромашсервис» уюшмаси тизими ҳамда муқобил машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 27 миллиард 534,9 миллион сўм, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти корхоналари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмаларига минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотиб олиш учун 15 миллиард 568,3 миллион сўм маблағ ажратди.

Шунингдек, «Пахтабанк» ўз маблағлари ҳисобидан 40 та дон комбайнини харид қилиб, мижозларга лизинг асосида етказиб беришни режалаштирган. Банк томонидан харид қилинадиган бу комбайнлар Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларига етказиб берилади.

«Пахтабанк» матбуот хизмати.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Hyundai Football World Championships
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

2006 йил 22 — 25 август

ОЗЕКСПОМАРКАЗ
NATIONAL EXHIBITION COMPANY

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга мўлжалланган маҳсулотларининг

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

анъанавий кўргазмасини ўтказади.
Кўргазмага республикамизда фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг турли шаклидаги барча ташкилот ва компанияларни таклиф этамиз.

Кўргазмада қатнашиш шартлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги сайтга мурожаат қилишингиз мумкин:
www: uzexpocentre.uz

Кўргазма ташкилотчиларининг манзили ва алоқа телефонлари:
Тошкент шаҳри,
А. Темур кўчаси, 107-уй,
"Ўзэкспомарказ" МКК" ОАЖ.
E-mail: Info@uzexpocentre.uz

Тел.: (99871) 138-56-10, 138-56-35.
Факслар: (99871) 134-40-88, 134-54-40.

Футбол

«Сўғдиёна»нинг дастлабки голи

Футбол бўйича мамлакат 15-миллий чемпионатининг 9-тур учрашувлари якунланди

Муборакнинг «Машъал» жамоаси кетма-кет учинчи учрашувда очко йўқотмоқда, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Дастлаб Осиё чемпионлар лигасининг 5-турида ўз уйида Ироқнинг «Ал-Минаа» клуби билан дуранг натижага эришган мубораклик футболчилар мамлакат чемпионатида «Нефтчи»га (0:2) имкониятни бой берганди. Шундан сўнг бош мураббий Виктор Жалилов истеъфога чиқарилди. Унинг ўрнига Россия ва Қозоғистон клубларида фаолият кўрсатган Виктор Кумиков бош мураббий этиб тайинланди. Лекин олий лиганинг кеча якунланган 9-турида ҳам «Машъал» мухлисларини ранжитди. Ўз майдонида Тошкентнинг «Трактор» клуби қаршилигини енга олмади. Учрашувда (0:0) дуранг натижа қайд этилди. Чемпионат пешқадами «Пахтакор» ҳам сал бўлмаса иккинчи учрашувда очко йўқотиши мумкин эди. Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси билан бўлган бу учрашувда 88-дақиқагача дуранг натижа қайд этиб турилганди. Учрашув тугашига икки дақиқа қолганида захирадан майдонга тушган Ихероуме Уче ғалаба тўпини киритди. Мавсумни муваффақиятсиз ўтказаётган Жиззахнинг «Сўғдиёна» клуби сафарда «Қизилқум» жамоасига (1:2) ҳисобида имкониятни бой берди. Шуни таъкидлаш лозимки, бу жиззахлик футболчиларнинг мавсумдаги рақиб дарвозасига киритган дастлабки голи ҳисобланади. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм» — «Локомотив» 1:1, «Насаф» — «Андижон» 3:2, «Бухоро» — «Тўпаланг» 2:1, «Навбаҳор» — «Нефтчи» 0:2, «Самарқанд-Динамо» — «Металлург» 1:0.

9-турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:

	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	8	1	0	22-2	25
«Насаф»	7	1	1	19-9	22
«Машъал»	6	2	1	14-4	20
«Нефтчи»	6	1	2	18-8	19
«Бухоро»	5	0	4	15-10	15
«Тўпаланг»	4	2	3	13-10	14
«Трактор»	4	1	4	10-13	13
«Навбаҳор»	3	3	3	10-9	12
«Қизилқум»	3	3	3	11-12	12
«Андижон»	3	2	4	12-10	11
«Самарқанд-Д»	3	1	5	4-11	10
«Металлург»	2	3	4	11-11	9
«Локомотив»	2	3	4	8-17	9
«Шўртан»	2	1	6	5-11	7
«Сўғдиёна»	0	2	7	1-14	2
«Хоразм»	0	2	7	4-26	2

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Пойтахтдаги Хореография олий мактабининг кўргазмалар залида истеъдодли ёш мусаввир Олимжон Матсафоевнинг «Жасоратдан яралган гўзаллик» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳомийлиғида ташкил этилган бу ижод намуналари намойишига Олимжоннинг етмишдан ортиқ асари қўйилган.

Матонатли мусаввир

Урганч тумани Ғойбу қишлоғида таваллуд топган ўн тўққиз ёшли Олимжон ногиронлик аравачасида ўтириб, мусаввирлик сирларини эгаллади. Унинг тақдир синовларига дош бериб, мухлисларига улуғвор ижод намуналарини армуғон этганлиги ирода ва матонат намунасидир.

Донишмандлар дунё меҳрдан яралган, дейишади. Зеро, меҳр бор жойда самимият бор. Улар уйғунлашган жойда эса тинчлик ва тараққиёт бўлади. Олимжоннинг ҳаёти, меҳнати ана шу фалсафага асосланади. Портретларнинг ҳар бири икки томонлама меҳрнинг тимсолидир. Олимжоннинг онаси билан портретларни томоша қилар эканман, улардан бири «Биринчи устоз» деб номланган эди. Онасининг айтишича, у боласининг расм чизишга қизиқишини сезиб, иштиёқни тўғри ўзанга йўллаш учун Урганч шаҳрида яшовчи моҳир педагог-рассом ҳузурига боради. Расм ўқитувчиси бир йил давомида шаҳардан қишлоққа қатнаб, ҳар шанба кунини болага бағишлайди. Ёш рассом биринчи марта мусаввирлик оламига ушбу мурувватли инсоннинг саъй-ҳаракатлари орқали кириб келади. Мусаввирлик билан сирлашади.

Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқов сиймоси ифодаланган суврат «Устоз рассом» деб номланган. Улар телевидение орқали танишганлар. Бу учрашув Олимжон ижодининг янада ривожланишига катта туртки берди. Мусаввир ёш рассомнинг биринчи кўргазмасини уюштиришда кўмаклашди, ҳаммаслақ бўлди.

Оддий, самимий қишлоқ кишиларининг сиймоси акс этган портретлар туркуми беихтиёр сизни ўйга толдиради. Миллий кийимларнинг гўзал тасвирлари, юз ифодаларининг ранг-баранглиги, ҳар бир образда ўзига хосликни топа олганлигидан ҳайратланасиз. Туркумдаги сувратлардан бири «Қишлоқ оқсоқоли», бошқаси эса «Ғойбулик момо» деб номланган. Гўё улар қишлоқ тарихи, заҳматкаш кишилари ҳақида гапираётгандай. Ғойбуликлар — меҳнаткаш, бир бурда нонини беминнат топиб ейишни яхши кўрадиган кишилар. Урганч шаҳар бозорига кирсангиз, қишу ёз бирдай сотиладиган кўкатлар эътиборингизни тортади. Уни Ғойбу қишлоғининг заҳматкаш деҳқонлари етказиб беришади. Қадимда эса ушбу қишлоқда каноп экилган ва ундан жуда пишиқ арқон ва турли сифатли иплар тўқишган. Улар бутун Хоразмни таъминлаган. Ғойбуликлар нати ҳам ана шу сўзимизнинг исботидир. У тенгдошлари каби тўп тепиб, кенг далаларда югуриб юришни орзу қилди. Орзулари армонга айлангач, рассомликдан ўзига қувонч, юпанч топди. Ана шу портретда тасвирланган қишлоқнинг кишилари унга қийинчиликларни енгиб ўтишида куч-қувват бағишлашди.

Ёшлар ижодининг уйғониш даврини кўкламга қиёсласак арзийди. Баҳорда кўкламга монанд ҳайратлар уйғонади. Қувончларга завқлар уланади. Аслида борликдан, ҳаётдан, атрофдаги муносабатлардан ҳайратланиб яшайдиган киши — қаноатли, руҳиятли инсон. Ёшлар катталардан ана шундай ҳайратларининг мўл-кўллиги билан ажралиб турадилар.

Раъно ЗАРИПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Танлов

ТАБИАТГА МЕҲР

ўқувчиларда Ватанга, она-юртга муҳаббат уйғотади

Илк маротаба Фарғона шаҳридаги «Шодлик» гимназиясида ўтказилган «Йилнинг энг яхши биология фани ўқитувчиси» республика кўрик-танловига мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, Тошкент шаҳридан, Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган фан ўқитувчиларининг машғулотларида, ўзаро суҳбатларида бу фикр ботбот такрорланди.



Илгари мамлакатимизда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» республика кўрик-танловини ўтказиш таомилга айланган эди. Бу йилдан бошлаб анъанавий тадбирдан воз кечилди. Энди ҳар бир фан бўйича «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси»ни аниқлаш бўйича танловлар ўтказиляпти. Биология фани бўйича энг иқтидорли, энг маҳоратли ўқитувчини аниқлаш анжумани эса айнан Фарғонада ўтказилганлиги бежиз эмас. Биринчидан, Фарғона шаҳри мамлакатимизнинг энг чиройли, қуюқ сояли дарахтлар, азим чинорлар билан бурканган. Собиқ иттифоқ даврида шаҳарда кимё-нефть саноатининг йирик корхоналари жамланиб қолди. Бу эса ўз-ўзидан бу гўзал шаҳар табиатига, экологиясига таъсир ўтказмай қолмади. Шу боис кўрик-танловда иштирок этган 14 нафар ўқитувчининг машғулотларида биология фани бўйича энг намунали, услубий йўналишларни тарғиб қилиш билан бирга, экологик муаммоларга ҳам алоҳида урғу берилди.

Бундай танлов мамлакатимизда илк бора ўтказилаётганига қарамай, ўқитувчилар ўз қобилиятлари, касбий маҳоратлари, билимларини намойиш этиш билан бирга, дунё бўйича биология фани соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларни ҳам ўқувчиларга етказишга эътибор қаратдилар. Кўрик-танлов юз баллик тизим асосида баҳоланди. Асосий эътибор эса дарс сифатига, ўқувчиларнинг фаоллигига, уларни мавзуга қай даражада жалб эта олишларига қаратилди. Мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларидан ташриф буюрган малакали мутахассислар, профессорлардан иборат нуфузли ҳайъат ҳар бир муаллимнинг чиқишларини баҳолаб борди.

Кўрик-танловда Фарғонага Жиззах вилоятидан ташриф буюрган Нигора Нурматова 85,1 балл тўплаб, ғолиб деб топилди. Шуниси эътиборга моликки, ғолиб фан ўқитувчиси етти турдаги кўрсаткич бўйича «Компьютер саводхонлиги» баҳсидан ташқари барча кўрсаткичларда энг юқори балл тўплашга эришди. Ҳайъат аъзолари Нигорахонга анъанавий дарс ҳамда касбий санъат йўналишлари бўйича энг юқори балл қўйишди. Бу натижалар қишлоқ муаллимасининг ўз касбининг ҳақиқий устаси, энг маҳоратли ва билимли ўқитувчи эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, жиззахлик муаллима мамлакатимизнинг биология фани бўйича энг доно, энг маҳоратли, энг билимли эканлигини амалда исботлади. Натижада у мамлакатимиз ўқитувчилари орасида илк маротаба «Энг моҳир биология фани ўқитувчиси» деган шарафли номга эга бўлди.

Айрим фанлар бўйича кўрик-танловларнинг вилоятларда ўтказилиши жойларда тажриба алмашиш имконини ҳам бермоқда. Шу билан бирга, мазкур танлов фан ўқитувчиларининг энг илғор, ташаббускор ва ижодкорларини танлаш, уларнинг касбий маҳоратларини, қобилиятларини рағбатлантиришнинг ўзига хос усули ҳамдир.

Тадбирда иккинчи ўрин сурхондарёлик Марзия Чориева ҳамда учинчи ўрин фарғоналик Азизахон Мадаминоваларга насиб этди. Энди ғолиб ўқитувчилар ва совриндорларнинг тажрибалари мамлакатимизда кенг оммалаштирилади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мубири.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов ғолиби Нигорахон Нурматова; дарс ўтиш жараёни.

УНЛИ ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН
ТАБИИЙ ЭМУЛЬГАТОР ВА ЛЕЦИТИН АСОСИДА КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛАР.
☑ Қандолатчилик маҳсулотларини яхшиловчи «Московский» қўшимчаси
турли хилдаги печенье, вафли, кекс ва рулетларни ишлаб чиқариш учун.
☑ Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун «Московская» пастаси
бисквит, рулет, торт, пирожний, крем ишлаб чиқариш учун.
Бу қўшимчалардан фойдаланиш қуйидаги натижаларга олиб келади:
- тайёр маҳсулот нархининг пасайтирилишига;
- ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш ва енгиллаштиришга;
- маҳсулот таъми, кўриниши ва ҳажмини оширишга;
- ишлатиш муддатини оширib, қотиб қолишга ва пўканаклашга йўл қўймасликка.
Ҳар хил шароитда ва турли ускуналарда қўлланиши мумкин.
Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин: ООО «S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES», Тошкент шаҳри, «Каторгол» кўчаси, 60. Тел. 173-53-56, факс 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz

и славянские обои
российский линолеум
производство ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула
тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

ШПАТЛЕВКА
OLIY SIFATLI
Юқори навли
Қалбакилардан сақланинг
Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!
AzKO
(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 1б.
Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.
Tsh 64-0515991-01-2002
10

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор
Шавкат Закариевич ЎРАЗАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Konstruktor» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхона раҳбари, Халқаро муҳандислик академиясининг академиги Абдували Ғуломмаҳмудовга укаси, Тошкент вилояти Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалиги иссиқхонаси директори
Анвар ҒУЛОММАҲМУДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси механика-машинасозлик факультети «Ер усти транспорт тизимлари» кафедраси доценти
Всеволод Николаевич ШИРОКОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти қошидаги молия академик лицейи жамоаси лицейнинг жисмоний тарбия раҳбари Саидрасул Тенглашевга падари бузруквори
ЖОЗИЛ отанинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Саноат экологияси» кафедрасининг нафақадаги доценти
Кабир ҲИДОЯТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Менежмент» кафедраси доценти Йўлдош Отахонов ва кутубхоначи Гулчеҳра Отахоновага ўғли
ЖАҲОНГИРнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, университет фахрий профессори
Нусрат Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

TURONIMPEKS SERVIS
Fliegl Fahrzeugbau GmbH (Германия) ширкатининг Ўзбекистондаги РАСМИЙ ВАКИЛИ
сизга Fliegl Trailer русумидаги замонавий тиркагичлар, ярим тиркагичлар ва музлаттичли тиркагичларни Европадан таклиф этади.
Буюртмангиз ўз вақтида етказиб берилиши кафолатланади.
Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Кунаев к., 9-«А» уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Факс: + 998 71 150-66-30.
www.fliegl.com

Маҳсулот сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6